# Уч муборак дуо

Image not found or type unknown

10:45 / 13.03.2020 7833

Фазилатли имом, муҳаддис, шайх Муҳаммад Аввома илм ўрганаётган талабаларга қуйидаги уч дуони ҳар куни ўқиб юришни вазифа тарзида тавсия этдилар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларидан бири – ҳар куни тонгда бомдод намозидан сўнг қуйидаги дуони ўқишга буюрар эдилар:

اللهُمَّ إنّي أَسْأَلُكَ عِلْمًا نافِعًا، وَرِزْقًا طَيِّبًا، وَعَمَلًا مُتَقَبَّلًا.

**«Аллоҳумма, инний ас алука ъилман наафиъан, ва ризқон тойййибан, ва ъамалан мутақоббалан».**

**Маъноси:** «Аллоҳим, Сендан фойдали илм, покиза ризқ ва мақбул бўлувчи амал насиб қилишингни сўрайман».

*Имом Насаий, Ибн Можа ва Аҳмад Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган.*

2. Ибн Шиҳоб Зуҳрий Қуръон ёки ҳадисдан бирор нарса гапирсалар ёки илм мажлисини тамомласалар, қуйидаги дуони айтардилар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ كُلَّ خَيْرٍ أَحَاطَ بِهِ عِلْمُكَ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ كُلِّ شَرٍّ أَحَاطَ بِهِ عِلْمُكَ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ.

**«Аллоҳумма, инний ас алука кулла хойрин аҳаато биҳи ъилмука фид-дуня вал аахиро, ва аъуузу бика мин кулли шаррин аҳаато биҳи ъилмука фид-дуня вал-аахиро».**

**Маъноси**: «Аллоҳим, Сендан дунё ва охиратда илминг иҳота қилган барча яхшиликни сўрайман ва Сенинг исминг билан дунё ва охиратда илминг иҳота қилган барча ёмонликдан паноҳ тилайман».

3. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу шом намозининг учинчи ракъатида Фотиҳадан кейин:

«رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ».

**«Роббанаа, лаа тузиғ қулубанаа баъда из ҳадайтанаа, ва ҳаб ланаа мин-ладунка роҳма, иннака антал-Ваҳҳааб»** оятини ўқирдилар.

Маъноси: «Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато қилгин! Албатта Сен кўплаб ато қилувчисан» *(Оли Имрон сураси, 8-оят)*

*Имом Молик «Муватто»да ҳасан санод билан ривоят қилган.*

Изоҳ: Моликий мазҳабида бу дуо намознинг учинчи ракъатида ўқилади. Ҳанафий мазҳабида эса шом намозининг фарзидан кейин ўқиймиз.

*Валлоҳу аълам!*

***Islom.uz портали таҳририяти***